

РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
РЕСПУБЛИКА “МАҲАЛЛА” ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ  
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАСИ

**Ф. Акрамова**  
**З. Билолова**

Оила кутубхонаси

**ОИЛАДАГИ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ: МУАММО ВА  
ЕЧИМЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

*(Аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари учун  
илмий-услубий қўлланма)*

ТОШКЕНТ - 2016

**Ф. Акрамова, З. Билолова. Оиладаги тарбия жараёни: муаммо ва ечимларининг психологик хусусиятлари: илмий-услубий қўлланма. – Т.: “РОИАМ” 2016, 32 б.**

Мазкур қўлланма Республика “Оила” илмий-амалий маркази илмий-услубий кенгаши йиғилишининг 2016 йил 20-июлдаги 3-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментининг кенгайтирилган мажлиси 2016 йил 3 июндаги 26-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий ҳуқуқий, тиббий-психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш” мавзусидаги ИТД-1 рақамли амалий лойиҳа доирасида Республика “Оила” илмий-амалий маркази, Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва Дин ишлари бўйича қўмитаси мутахассислари томонидан яратилган.

Мазкур қўлланмадан жойлардаги аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида фаолият юритаётган мутахассислар, ўзини-ўзи бошқариш органлари мутассаддилари, маҳалла ҳузуридаги “Ота-оналар университети” ходимлари, оилалардаги ота-оналар ва шу соҳага қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

**Нашр учун масъул:** иқтисод фанлари номзоди, **Ҳ.Х. Мамадалиева**

**Такризчилар:** Б.М. Умаров – психология фанлари доктори,  
профессор  
Р.М. Абдуллаева – психология фанлари номзоди,  
доцент

## ГЛОССАРИЙ

**Авлод** (араб. – бола сўзининг кўплиги) тор маънода алоҳида бир шахс, оила ёки сулоланинг давомчиси бўлган фарзандлар ва уларнинг зурриётлари, кенг маънода эса миллат, халқ, тамаддун ривожининг муайян босқичида ягона ғоя, мақсад ва вазифалар билан намоён бўладиган, ижтимоий, маънавий, маданий ривожланиш жараёнида узвийлик ва давомийликни таъминлаш даражасига кўтариладиган кишилар гуруҳи.

**Ахлоқ** (араб) – хулқ сўзининг кўплик шакли, кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос қоидалари. У маънавий ҳаёт ҳодисаси, ижтимоий онг шаклларида бири, маънавият соҳасидаги оид тушунча ҳамдир.

**Аҳиллик** – ягона оила, ягона Ватан туйғуси, умумий мақсад ва манфаатга асосланган, дўстлик, қон-қариндошлик, иноқлик ва хайрихоҳлик, бағрикенглик натижасида ҳосил бўладиган маънавий яқинлик.

**Бахт** – ахлоқий онг тушунчаси. Кишининг ўз турмушидан мамнунлик, муродга етганлик ҳолати, ҳаётининг бекаму-кўстлиги ва муайян маъно касб этганлигидан ҳосил қиладиган қаноати.

**Бурч** – шахснинг бирор киши, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча, инсон маънавиятининг таркибий қисми. Б.- қонун ва б. ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган айрим ҳаракатлар ва муайян ҳаракатларни содир этишдан тийилишдир.

**Оила** – эр-хотинлик иттифоқи, қариндошлик алоқаларига, умумий ҳўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-она болалар, ака-ука ва опа-сингиллар ва қариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосланадиган кичик ижтимоий гуруҳ; жамиятнинг асоси, давлат қудратининг манбаи.

**Оиланинг объектив омиллари:** оила аъзоларининг савияси, оиланинг таркиби, оила аъзоларининг сони, оиланинг моддий фаровонлиги, фарзандларнинг тарбия муассасалари (болалар боғчаси, мактаб, лицей, институт)га бориши, оиланинг уй-жой билан таъминланиш даражаси (ҳовлили, маҳалладаги уй, кўп қаватли уй) кабиларни киритиш мумкин.

**Оиланинг субъектив омиллари:** оиладаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини, оиладаги ота-она ёки бошқа аъзоларнинг маълумот даражасини( ўрта, ўрта махсус, олий), ота-оналарнинг маънавий-маданий савия хислатларини, ота-онанинг муомала маданиятини ва шу қабиларни киритиш мумкин.

**Ота-она ва фарзанд муносабати** – асосан тарбияга боғлиқ. Тарбиянинг эса услублари кўп. Ўргатиш, тушунтириш, таъқиқлаш ва ҳоказо. Лекин тарбиянинг энг самарали усули – намуна кўрсатиш.

**Урф-одат** – анъналар сифатида умумхалқ, томонидан қабул қилинган тартиб- қоида; расм-русум, тамойил. (Мас., ўзбекларда кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта туриб уй-ҳовлини супуриб-сидириб, тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурматда бўлиш, байрам арафасида бетоб, ожиз ва қийналганлардан хабар олиш, ёрдамга муҳтождарга ҳашарга бориш ва б.)

**Қадрият** – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий – ахлоқий, маданий –маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча.

**Қариндошлик** – бу аслида фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг бевосита давоми бўлиб, бу кишиларнинг наслий боғланишлари натижаси.

**Қаттиққўллик** – тўғридан-тўғри болани ёшлигидан калтаклаш, ҳақорат қилиш, камситиш шаклида ёки бола эҳтиёжларига тўла бефарқлик унинг бор-йўқлигини гўёки сезмаслик каби кўринишларда бўлиши.

## СЎЗ БОШИ

“Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун, аввало, ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш айти муддао бўлур эди.”

**И.А.Каримов.**

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида юз бераётган глобал ўзгаришлар шахслараро муносабатларнинг мазмунига, психологик таъсири кучига уйғунлашмоқда. Мазмунан демократик ва инсонпарварлик асосига қурилаётган жамиятнинг ҳар томонлама тараққиёти шахснинг шу тараққиёт талабларига мослик даражаси, ақлий, жисмоний ва маънавий маданиятлилик савияси билан чамбарчас боғлиқ.

Бугунги кундаги ёшларнинг энг муҳим муаммолари ота-оналари билан бўладиган муносабатларига бориб тақалади. Бу муаммоларнинг асосий сабабларидан бири кейинги йилларда жамиятда бўлаётган ўзгаришлар асосида ҳаётий қадриятларнинг ўзгариши, иқтисодий муаммолар ва бошқалар таъсирида ёшлар дунёқарашининг кескин ўзгаришидир. Бундай ўзгаришлар ўз навбатида ота-она билан фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашуви сабаб бўлмоқда. Оилада ота-оналарнинг тарбияда йўл қўяётган камчиликларидан бошқа бири болаларнинг ёш ва индивидуал–психологик хусусиятларини ҳисобга олмасликдир.

Оилавий бирликда шахслар ўртасида ахлоқий, психологик, жисмоний ва хўжалик-маиший алоқалар содир бўлиб, улар ҳаётда ва мақсадларда умумийликни вужудга келтиради. Оилавий бирлик махсус ва шу билан бирга, мураккаб ижтимоий муносабатлардан иборатдир. Бу муносабатлар замирида эртанги кун авлодининг кайфияти, фаолияти ва турмуш тарзи мужассамлашади. Оиладаги соғлом психологик муносабатлар аввало аёлга, онага бўлган муносабатлардан бошланади. Оилада она, аёл, қиз эъзозланар экан ҳаёт чироғини машъаласи ҳар доим порлаб ёнаверади. Бу оилада камол топаётган фарзандлар мўътадил кайфиятда, ўзига ишончда, маънавий хотиржамликда улғаяди.

Шу ўринда биринчи юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Соғлиғи ночор, хўрланган, изтироб чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди. Шу маънода аёлларни, оналарни асраш керак, дегани наслни

асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир. Ўз умр йўлдошини, аёлини асраган эркак ўз зурриётини, ўз фарзандларини эъозлаган бўлади. Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, ёмон иллатлардан ҳимоя қилиш – эр кишининг, бутун жамиятнинг бурчидир”<sup>1</sup>.

Бугунги кунда оилаларда таркиб топаётган муносабатлар жуда кўп ижтимоий ходисаларга таъсир қилиши таъкидланмоқда. Шу боисдан оила бобида етарли тажрибага ва тасаввурларга асосланиш, оиладаги тарбияни тўғри йўлга қўйишда, унга етакчилик қилишда нафақат ўз манфаатларидан келиб чиқиб, балки, жамият, миллат манфаатларини кўзлаган ҳолда оилавий муносабатларни таркиб топтириш ҳар бир ота-онанинг энг масъулиятли вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шахсни жамиятдаги фаолиятини, турмуш тарзи асосини ва мазмунини унинг болалагидан оилавий муносабатларда ўзлаштирган ижтимоий тажрибалари ва шаклланган оилавий муносабатлари мазмуни ташкил этади. Оилавий муносабатлар инсон онги ва руҳиятига жуда кучли таъсир этиш аҳамиятига эга бўлиб, уни таъсирида ўзидаги куч ва журъатни яққол ҳис этиши ёки ҳеч қандай имкониятга эга эмасдай ўзини ожиз ҳис қилиши мумкин. Оилавий муносабатларнинг таъсири хусусида юртбошимизнинг қуйидаги билдирган фикрлари оиладаги муносабатларга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиш зарурлигини кўрсатади: “...ҳаётда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим бир масалага алоҳида тўхталиш жоиз. Яъни оилаларимизда соғлом маънавий муҳитни ташкил қилиш, хусусан, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатлар, қўшничилик муносабатларининг ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат руҳида бўлишига эришиш – бу юртимиздаги тинчлик осойишталик ва аҳилликни янада мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартини эканини доимо эсда тутишимизни истардим”<sup>2</sup>.

Зеро, оила келажакни қурувчи маскан, Озод Шарофуддинов таъбирлари билан айтганда эса “бахт фабрикаси”дир.

---

<sup>1</sup>Президент Ислам Каримовнинг Конституция кунига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқидан //Соғлом авлод-бизнинг келажакимиз. - Т.: Абу Али ибн Сино, 2000. - 13 б.

<sup>2</sup>Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларидан. Т.: -2015.

## ОИЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Мустақиллигимиз солномасига бир назар ташласак, мамлакатимизда тарихан қисқа 25 йил давомида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада мазмунан бой ишлар қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Буларнинг негизида инсон, мамлакатимиз фуқаролари ва ёшларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ётади.

Дарҳақиқат, И.Каримовнинг ташаббуслари билан 1997 йилнинг «Инсон манфаатлари йили», 2001 йилнинг «Соғлом авлод йили», 2008 йилнинг «Ёшлар – йили», 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили», - деб аталиши ва бу тўғридаги Давлат дастурларининг қабул қилиниши ҳамда Президентимизнинг «Фарзандларимиз, ёшларимиз, бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир»<sup>3</sup> - деб таъкидлашлари, юртимизда ёшлар тарбиясига, айниқса оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилаётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда оила масаласига алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Юртимизнинг порлоқ эртасининг замини жамиятимизнинг асосий бўғини бўлиши оилада яратилади.

Оила шундай муқаддас маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади. Шунингдек, этник маданият, урф-одатларимиз, ахлоқий маънавий қадриятларимиз ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маданий ҳаёт пойдевори қўйилади ва мустаҳкамланади.

Оиланинг асосий ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва психологик вазифаларини қисқача таҳлил қилиб кўрсак, болада шаклланадиган барча ҳиссий, руҳий туйғулар: меҳрибонлик, оқибатлилик, ўзига ва атроф табиатга нисбатан маъсулиятлилик куртаклари оилада намоён бўла бошлайди. Шунинг учун биринчи Президентимиз И.А.Каримов: «Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъанлар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади», - деб ўқтиради. Оила ўз вазифасини лозим даражада амалга ошириши учун уни тегишлича маърифий-методик куроллантириш, ижтимоий, маънавий, тадбирларни ўтказиш йўли билан унга ёрдам бериб бориш зарур.

Қолаверса, маънавий етуқ оила – маънавий юксак жамият таянчидир. Оила урф-одатлари, шажараси, анъаналари, ахлоқий-маънавий қадриятларни

<sup>3</sup> Каримов И.А. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 92- бет.

фарзандлар онгига сингдириш, ҳар бир киши касб-ҳунар малакалари билан қуроллантириш маънавий баркамолликни тарбиялашнинг асосидир. Шундай экан, жойлардаги хотин-қизлар, ёшлар ташкилоти, маҳалла оқсоқоллар кенгашлари олдида турган муҳим вазифалардан бири оила қадриятларига бағишланган суҳбатлар конференциялар, мунозаралар, учрашувлар, оилавий байрамлар, китобхонликлар, санъат асарлари кўрғазмалари, кўшиқ ва рақслар кўрик танловлари ўтказиш, оилавий фольклор этнографик ансамбллар ташкил этиш, тарихий жойларга саёҳатлар уюштириш лозим.

Миллий маънавий қадриятларни ва миллий тарбия усулларининг аҳамиятини камситмаган ҳолда, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий шароитда ҳам тарбия соф миллий мезонлар доирасида қолиб кетиши мумкин эмас. Жамият тараққиётининг барча даврларида тарбиянинг мазмуни ва йўналиши миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги билан белгиланади. Бу назарий қоида бугунги кунда ижтимоий тарбияга ҳам, оилавий тарбияга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Қуйида биз оилада фарзандларни тарбиялаш, тарбиядаги йўл қўйилаётган хатоликлар, ёшлар тарбиясининг бузилиши ва унинг олдини олиш борасидаги муаммоларни ўрганиб, таҳлил қилиб, бугунги кун амалиётига жавоб берадиган ўзимизнинг илмий ва ҳаётий хулосаларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Янги ижтимоий-тарихий шароитда оила, оилавий муносабатлар ва оилавий тарбия масалалари жиддий ўзгаришларни талаб қилмоқда. Болаларни мустақиллик руҳида, янгича фикрловчи шахс сифатида тарбиялаш оиладан бошланишини эътиборга олиб, оилавий тарбия мазмунини қайтадан кўриб чиқиш ва уни янада бойитиш, унинг асосий йўналишларини белгилаш ва шу аснода мақсад ва вазифаларни ҳамда уларни қандай воситалар билан амалга ошириш йўлларини аниқлаш муҳим ижтимоий-педагогик ва ижтимоий психологик заруриятдир.

Ана шу заруриятдан келиб чиққан ҳолда, оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш масаласи ижтимоий сиёсий ва маданий маърифий аҳамият касб этмоқда. Чунки, мазкур масалаларни ҳал этиш анча мураккаб ва зиддиятли бўлиб, унга ворисийлик ва тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашиш талаб этилади.

Маълумки, миллий истиқлол ривожланишининг ҳозирги босқичида оилавий тарбияда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг янги мезонларини ўртага ташламоқда. Бу мезонлар ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий онг, миллий ўз-ўзини англаш, миллий тафаккур, миллий тарбия каби тушунчаларда ўз ифодасини топган бўлиб, улар тарбиявий жараённинг бугунги кунда ривожланиши учун муайян тарздаги бир мақсадга қаратилганлигини таъминлайди.



Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш устида тўхталганда, миллий ахлоқ ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятини очиб бермоқ зарур.

Миллий ахлоқ ва тарбияда ота-боболаримизнинг тарихий тажрибалари, даврлар синовдан ўтган ҳаёт сабоқлари ва ўғит кўрсатмалари жамулжамдир. Ана шу туфайли миллий ахлоқий қадриятларимиз асрлар оша авлодлардан-авлодларга ўтиб келмоқда.

Ҳар қандай ахлоқий фазилат у ёки бу йўсинда инсонда хатти-ҳаракат тартибга солинишининг ифодаси бўлиб, инсонга бўлган ҳурмат эътибор, меҳр-муҳаббатни билдирар экан, у умубашарий мазмунни беради. Зотан, ҳар қандай шахс одамзотнинг бир зарраси экан, унда бутун одамзотнинг моҳияти мужассам, шунинг учун ҳам бутун инсониятга мансубдир. Шунга кўра, ҳар бир ота-она ўз фарзанди тарбиясида, уни баркамол инсон бўлишида умуминсоний маъно ва мазмунни кўрмоғи лозим. Боланинг ахлоқий фазилатлари умуминсоний характер касб этиб умумбашарий қадриятга айланишини англаб етган ота-она фарзандлари тарбиясидаги маъсулиятни чуқур ҳис қилмоқлари мақсадга мувофиқдир.

Оилада шахсни маънавий-ахлоқий шакллантириш боланинг туғилиши билан бошланади ва у оилавий муносабатлар характери, ота-оналарнинг намунаси, улардаги умумтаълим даражаси, умуммаданий савияси, ҳамда умумпедагогик маданияти ва оилавий ҳаётини қандай ташкил этишдан иборат. Бу омиллар оилада болани маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмунини ташкил этади ва улар бир қатор педагогик-психологик хусусиятларни ўз ичига олади. Буларни ҳисобга олиш эса болани маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий ахлоқий қадриятлардан фойдаланишнинг моҳияти ўзига хослиги ва аҳамиятини билишга ёрдам беради.

Инсон бутун мавжудодлар ичида энг улуғи, барча нарсалар унинг учун яратилган, деган ғоя исломий маънавиятнинг негизини ташкил қилса, инсонларнинг ўзаро маънавий оқибатли бўлишига ундаш ва уларда олийжаноб фазилатларни шакллантириш ислом педагогикасининг асосидир.

Ўзбек оилаларда кенг тарқалган ҳалоллик, тўғрилиқ, бировлар ҳақиқага хиёнат қилмаслик, хайри-эҳсон, соҳоват ва мурувват, тежамкорлик ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик каби фазилатлар миллий ва диний қадриятлар замирида шаклланган ва улар оилавий тарбия натижасида ота-оналаридан болаларига ўтиб уларнинг маънавий дунёсини бойитган.

Оиланинг муҳим вазифаларидан яна бири коммуникативлик бўлиб, унинг мазмунини оила аъзоларининг ўзаро алоқалари, оммавий ахборот воситалари билан оила аъзолари ўртасидаги яқин алоқани таъминлаш, теварак-атрофдаги табиатни, ижтимоий муҳитни идрок қилиш каби масалалар ташкил этади. Кейинги йилларда ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда

оммавий ахборот воситалари, матбуотнинг таъсири катта бўлмоқда. Ёшларнинг кўрган-эшитган, ўқиган нарсаларини ўзлаштиришларида ва тегишли хулосалар чиқаришларида оила ҳам воситачилик вазифасини бажариши лозим. Оилада бўш вақтни самарали ташкил этиш оиланинг асосий вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам бўш вақт жамиятнинг муҳим ижтимоий қадриятларидан бири ҳисобланади. Оилада бўш вақтни фаол ташкил этиш, яъни китобхонлик, меҳнат, шунингдек музей, кино, театр, концерт, тарихий обидаларга, қадамжоларга саёҳатлар уюштириш ва бошқалар оила баркамоллигини таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Оиладаги ўзаро муносабатларда ва турмушда гўзаликка эътибор бериш ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Агар ота-она ва оиладаги катталар ўзаро муносабатларида гўзаликка эътибор берсалар, оила муомаласида аҳиллик, самимият, ҳурмат бўлса, шу оилада тарбияланаётган фарзандлар ҳулқида юқоридаги каби ахлоқий фазилатлар таркиб топиб боради. Демак, оиладаги эстетик тарбия ота-оналар ва бошқа катта кишиларнинг ўзаро тўғри муносабатидан бошланиши керак.

Болалар катталарнинг юриш-туришларини, муомаласини, қўшнилари, ўртоқлари билан қандай гаплашишларини кузатадилар. Шунинг учун ёш болалар олдида мақтаниш ёки бошқаларни ғийбат қилиш мутлақо ёмон одат бўлиб, бу болаларга салбий таъсир кўрсатишини унутмаслик керак.

Агар боланинг отаси ёки онаси бошқаларга нисбатан кўпол, бадфёъл, сержаҳл бўлса, арзимаган нарсалар устида ғавғо кўтарса, ўз боласининг асабини бузади, бу ҳол боланинг психикасига ёмон таъсир этади. Бундай шароитда эстетик тарбияга ўрин қолмайди. Болаларни баркамол кишилар қилиб вояга етказишда, аввало оиладаги катталарнинг ўзлари эстетика талабларига тўла амал қиладиган кишилар бўлишлари лозим.

Оилада болаларни саранжом-саришталикка, озодаликка ўргатиш, ўз буюмларини, кийим-кечакларини эҳтиёт қилишга одатлантириш уларда интизомни тарбиялайди.

Оилада болани тозаликка, тартиблиликка, гўзаликни севишга ўргатиш керак. Бунинг учун аввало уйдаги барча буюмлар дид билан танлаб, жойлаштирилган, тоза, саранжом-саришта бўлгани маъқул. Чунки болага икки хил нарса кўпроқ таъсир қилади. Биринчиси боланинг кўзига тез-тез ташланадиган буюмлар ва одамлар ўртасидаги муносабат бўлса, иккинчиси боланинг ўзига бевосита тегишли бўлган нарсалар кийим-кечак, идиш-товоқлар, китоблар, ўйинчоқлар, ёзув столи ва бошқалардир. Бола ўз буюмларини асраб, авайлаб, тоза-озода, саранжом-саришта қилиб юришга ўрганса, у ёши улғайган сайин гўзалликнинг мураккаб кўринишларини

табиатдаги уйғунликни, санъатдаги гўзалликни пайқаб олиш учун тайёрлана боради.

Ўзбек оиласида бола тарбияси ҳақида гапирганда, кейинги авлодларга бой мерос қолдирган Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирларини эслаш муҳимдир. Улар шахсни камол топтириш, оилада болани тарбиялашнинг йўллари ҳақида қимматли фикрларни баён этганлар ва ҳозирги кунларимизда ҳам ўз аҳмиятини йўқотмаган.

Абу Али Ибн Сино оилавий тарбиянинг умумий асосларини баён этишга ҳаракат қилган. «Ага оила тарбия усулларидан тўғри фойдаланса, - деб ёзган эди олим, - ўз ҳаётида бахтга эришади».

Ибн Сино оилада болани тарбиялаш, аҳволдан қатъи назар, ота-онанинг асосий бурчи деб ҳисобланган, ўз қусурларини бартараф қилган кишигина бошқаларни тарбиялаши мумкинлигини таъкидлаган. Ибн Сино болани тарбиялаш омилларини таҳлил қилиб, улардан энг тўғриси – болалар билан бирга бўлиш ва ижобий мисоллардан фойдаланиб, алоҳида-алоҳида суҳбатлашиш, унинг иззат нафсига тегмаслик, деб ўқтирган. Ибн Сино тарбияда отанинг ролини ифодалашга ката аҳамият берган. «Рўзғоршунослик» китобида «Отанинг болаларга муносабати» деган боб бор. Унда олим жумладан: «Оналар ўз табиатларига кўра юмшоқ кўнгилдирлар ва ўзларининг эркалашлари билан боланинг характерини бузадилар», - дейди. Ибн Синонинг фикрича, оилада асосий тарбиячи ота бўлиши, у мақсадга эришмоқ учун болани баъзан жазолаши, баъзан рағбатлантириш, вақти-вақти билан мақташи, баъзан танбеҳ бериш, вақтида қўрқитиб қўйиш лозим, - деб таъкидланган.

Оилада бола тарбияси тўғрисида Алишер Навоийнинг ажойиб фикрлари бор. Навоийнинг фикрига кўра, тарбияда энг муҳими болаларни севиш, «Болага, деган эди улуғ шоир, - кичиклигидан бошлаб, ёшини ҳисобга олган ҳолда ахлоқий тарбия бермоқ зарур».

Таниқли шоир ва педагог Абдулла Авлоний ҳам оилада болалар тарбияси тўғрисида муҳим аҳамиятга эга бўлган ажойиб фикрларни баён қилган. У ўзининг “Яшнаган ўлка ва ахлоқ” деган китобида ёзганидек, боланинг соғлиғи ва бахти аввало унинг яхши тарбияланишига, баданининг тозалигига, эътиқод ҳосил қилишига, яхши хулққа эга бўлишига, уни ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлардан огоҳлантирилишига боғлиқ.

## ОИЛАДА ОТА МАВҚЕИ ВА ОТА БИЛАН ФАРЗАНДЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ

Ота оиланинг, жамиятнинг, миллатнинг таянчи ҳисобланади. Ота тимсолида фаровонлик, осойишталик, таянч, фидойилик, содиқлик каби қатор сифатлар мужассамлашган бўлиб, оиланинг бутунлиги, бошчиси бўлиш ота билан баҳоланади. Ота ўзидаги барча сифатлар ва фазилатларни оиласига сингдиради, турмуш ўртоғини, фарзандларини тарбиялайди, уларни ҳар томонлама муҳофаза қилади. Қайиски оилада отанинг мавқеи баланд бўлса, ота ранжимаслиги учун оила аъзолари ҳар доим огоҳ бўлса бу оилада тотувлик, тинчлик ва фаровонлик ҳукмрон бўлади. Ўзбек миллатида отанинг кўнглини ранжитиш, назаридан қолиш ва қарғишини олишдан сақланишга алоҳида эътибор қаратилади. Ота ўзидаги масъулиятни ҳис қилиши баробарида жамиятдаги энг муҳим вазифани бажаришга бел боғлаган бўлади. Оталарни гўёки чегарадаги огоҳ турган посбонларга қиёслаш мумкин. Улар ўз яқинлари, туғишган қариндошлари, оиласи, фарзандлари учун ҳар доим хушёр, асраб-авайлашга, қўллаб-қувватлашга тайёр. Шу боис ота мавқеи ҳар доим шарқона тарбияда улуғланган, қадр билан қаралган. Бугунги ижтимоий глобализация даврида ана шу минг йиллик эхтиромларга арзиган ота мавқеига беътибор бўлмасликка, уни шараф билан ардоқлашга, ота ўзи билан бутун миллат ифодасини яратаётганлигини кучли ҳис этишга ундаш, оила қуриш арафасидаги йигитларга яна бир бор таъкидлаб ўтиш зарурати туғилмоқда. Зардуштийликнинг қадимий китоби - «Авесто»да оила муқаддас даргоҳ эканлиги, оила барқарорлигида эр ва хотиннинг тенг масъуллиги, фарзанд тарбияси тўғрисидаги фикрлар баён этилган. Оиланинг тинч ва фаровон бўлиши нималарга боғлиқ эканлиги ҳақида эса: «... инсон уй тиклаб, оловга, оиласига, хотин ва фарзандларига ўрин ажратиб берса, уйда ноз-неъматлари мухайё бўлиб, хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, уйда эътиқод, собит олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил мухтарамдир»<sup>4</sup>, - деб ёзилган. Авестода кўрсатилишича, оилада ота етакчи бўлгани маъқул. Шунингдек, унда ифодаланган оила ва оилавий муносабатларга ҳамма риоя этиши лозим бўлган. Ўзбек оилаларида қадимдан анъанавий тарзда ва асосан эркакнинг ўрни аҳамиятли эканлиги эътироф этилади, чунки эркак оила бошлиғи ва халоскори сифатидаги бурчи ва маъсулиятини тўлиқ ҳис қилган ҳолда имкон доирасида уни бажариши шарт бўлган. Оиладаги оғир ишларни бажариш, муаммоларни ҳал этиш оталар зиммасига юкланади. Оилани моддий томондан таъминлаш, турмуш ўртоғи ва фарзандларининг нафақат таъминоти учун, балки юриш-туриши, одоби ва

<sup>4</sup> Авесто. Янги китоби. Ўзбек тилига М.Исҳоқов илмий-изоҳли таржималари. Т.: 2001.

бошқа тарбиявий жиҳатларига масъуллик ҳам эркакнинг вазифаси саналади. Эркакнинг табиатан берилган, асрлар давомида шаклланган одоб қоидаларига риоя этиши унинг оиладаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир этиб, оиладаги анъаналар ва кадриятларнинг авлоддан-авлодларга ўтишида муҳим омил ҳисобланади.

Шарқона тарбия анъаналари фарзанд тарбияси ва айниқса, ўғил бола тарбиясида асосий тарбиячи сифатида отани кўради, чунки меҳрибон ва раҳмдил бўлган оналар кўнгилчанлик қилиб болаларни эркалатиб юборишлари мумкин. Ўзбек халқ тарбияси анъаналари эса болаларни эркатой қилиб тарбиялашни қоралайди.<sup>5</sup>

Оилада оталар хулқини ўрганиш шуни кўрсатдики, улар ҳам ғамхўрлик ва самимийлик жиҳатидан аёллардан кам эмас, керак бўлса, улар оналардан ҳам меҳрибон бўлишлари мумкин. Онанинг муносабатларидан фарқли, ота боласининг жинсига қараб ўзига хос муносабатни ўрната олади; ўғил болага эркакларча, қиз болага бошқача самимият билан меҳр кўрсата олади. Шу тариқа боланинг ўз жинсини англаши, гендер тафовутлар тўғрисидаги тасаввурлари шаклланади. Умуман, оилада отанинг бўлиши боланинг ижтимоий кўникмалари шаклланишида катта аҳамият касб этади. Буни В. Каримова ҳам ўз кузатишларига таяниб тасдиқлаган: “Отанинг меҳри қиз бола учун ҳам шу қадар муҳимки, у ота-она муносабатларини ҳаёти мобайнида кузатиб бориб, келажакда ўз турмуш ўтроғига қандай муносабатда бўлиш лозим, деган саволга жавоб топади. Ота ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларда ўзбекона анъанага кўра, отанинг қизи ва ўғлига бўлган муносабатида жуда катта фарқ бўлган. Оталар ўғил болага нисбатан, айниқса ўсмир ёшдаги болаларга нисбатан қаттиққўлроқ бўлганлар. Ўғиллар яхши гапга унамаса, қаттиқ гапирганлар, уларга нисбатан жуда талабчан бўлишган ва зарур вақтда жисмоний жазо ҳам берилган. Ўғил болалар отасининг оиладаги мавқеини ҳисобга олиб, кўп нарсаларга мустақил эришишга ҳаракат қиладилар. Ўзидан кичик сингилларини назорат қиладилар, уларга чинакам ҳимоячи бўлишга интиладилар. Ўғил болалар ўзини нафақат отасининг шахси, балки эркаклар шахси ва жинси билан таққосласа, қизлар ўзини фақат онаси билан таққослайди ва унга тақлид қилади. Шунинг учун ўғил болада отаси билан ўз жинсига оид ўхшашлик, қизларнинг онаси билан жинсига оид ўхшашлик сифатлари нисбатан яққол сезилади. Ўғил болалар билан ота муносабати орқали бир-бирларини тушуниш, қўллаб-қувватлаш, отадаги тажриба ва рўзгор юритиш санъатини ўзлаштириш амалга ошади. Оталар ўзларидаги

---

4. Измаилов А.Э. Народная педагогика: педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. М., 1991. 39-бет.

қатъийликни, оилада устун сифатидаги масъулиятини, қариндош-уруғлар, маҳалла-қуй билан муносабатларни, жамиятда оила шаъни, ота тарбиясини оқлашни, эрлик ғурури ва орини сақлашни ўзаро мулоқотлари жараёнида ўғил болаларга тушунтириб боради. Ўғил болалар ота билан ҳарчанд яқин муносабатда бўлмасин, ўз хоҳишларини очиқ билдиришга, отага қарши фикр айтишга журъат эта олмайдилар. Бу менталитетимизга хос бўлган хусусиятдир. Оталар ўғил фарзандларига доим ўзидан кейин қоладиган номи, чироғи эканлигини, уни тарбияси, таъкидлари, ким эканлиги ўғилларида ифодаланишини ҳар доим яхши фазилатлари ва ишлари билан отасига раҳмат олиб яшаши шарт эканлигини оилавий дастурхон атрофидаги мулоқотларда, ёлғиз мулоқотларида, дуоларида фарзандлари онгига сингдиришга ҳаракат қиладилар. Баъзи оилалардаги фарзандларни ёт ғоялар таъсирига тушиб, ҳиёнат йўлига кириб қолганлиги таассуфли ҳол бўлса-да, айнан шу фарзандлар онгига ота-оналари, яқин қариндошлари томонидан уни ўзини ҳурмат қилиши, покиза ва ҳалол яшашни шиор қилиб олиши, нафси ва хирсини тийишга қодир ирода эгаси бўлиши йўлидаги таъкидлар, ишончлар, талаблар етарли бўлмаганлиги кўринади. Инсон онгига бир тушунчани қайта-қайта такрорлаш орқали уни қарашларини, фикрлашларини ўзгартириш мумкин. Бугунги кунда оталарни ўғил фарзандлар билан унга шароит яратиш учунгина бир ёқлама мулоқотлари улардаги масъулият ҳиссини етарли шаклланмаётганлигига ёки отани оиладаги фарзандлари билан кам кўришаётганлиги, эътиборсизлиги фарзандларни енгил ҳаёт йўлини танлаб қолишларига сабаб бўлаётганлиги аён бўлмоқда. Ота жамиятда, оилада ҳар доим кўзгу вазифасини бажариши лозим. Ота таъсири, мавқеи бор экан бу оиладаги фарзандлар унинг қарашлари билан ҳисоблашишга, фикрини эшитишга, қарорларига итоат қилишга ҳаракат қилади. Оилада бажариладиган электр жиҳозларини тузатиш, дурадгорлик ишлари, дехқончилик юмушлари, уй-жой таъмирларида оталар ўғил болалар тарбиясида намуна бўлишга арзигулик тажрибага эга бўлиши лозим. Гарчи оталар ўзлари билмаган замонавий билимларни ўғил болалардан ўрганишлари фарзандлари билан яқинликни, ўзаро руҳий боғланишни юзага келтиради.

Ўғил болаларга нисбатан қиз бола билан бўлган муносабатда ота фақат насиҳат билан чекланган. Ота томонидан қиз болани сўкиш, уриш қаттиқ қораланган. Халқ орасида “қиз болани ота урса, бахтсиз бўлади”, деган нақл кенг тарқалган. Бу орқали хотин-қизларга жисмоний зулм ўтказмаслик, уларга ётиғи билан муомала қилиш таъкидланган. Умуман, ўзбек миллий тарбия анъаналарига ва Ислом этикетига кўра, ота ва қиз ўртасидаги муносабатлар оралиғи анча катта ва қиз бола балоғатга етган сари бу масофа яна ҳам узоклашиб борган. Ота ва қиз орасидаги мулоқотни оналар воситачиси

бўлганлар. Бу бир тарафдан қизни отасига нисбатан ҳурматсизлик кўрсатмаслиги учун, уни нафратини келтирадиган сўзларни айтиб қўйиш, отани кўнглини ранжитиш каби хатолардан сақланишга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан отанинг қатъий оҳангдаги рад фикрларини қизларга мулойимлик билан тушунтиришда, отанинг мавқеини, унга бўлган изн ва ҳурматни, меҳрни сақланишида энг ишончли кўприк саналган. Оталар қизларини раъйини оналар орқали тушуниб, тарбиялашга интиланлар. Бу эса оиладаги муносабатларни янада мустаҳкамланишига, оила ишончини, ҳурматини сақлашга бўлган муҳаббатни ортишига хизмат қилади. Ота ва қиз ўртасидаги муносабатлар жуда чегараланган бўлиб, фақат кундалик турмуш билан боғлиқ оддий савол-жавоблардангина иборат бўлган. Баъзи нозик масалаларда ота ўз қизи билан фақат онаси орқалигина гаплашган.

Шарқ муомала маданиятига кўра, кишининг мавқеи унинг ўтирган ўрни билан белгиланади. Шунинг учун ҳам оила бошлиғи ва етакчиси бўлган отага уйнинг ва дастурхоннинг тўридан жой ажратилади. Ундан олдин ҳеч ким дастурхонга ва таомга қўл узатмаслиги, у фотиҳа қилмасдан бурун ҳеч ким туриб кетмаслиги керак.

Оталар гарчи бола парваришида қатнашмасалар ҳам, ўғил болалар ота бошчилигида ва иштирокида кўп ишларни бажариб, кўп вақтларини ота билан ўтказганлар. Бу эса ўз жинсини англашида катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган.

Оналар бола тарбиясида отанинг обрўсидан фойдаланишган. Агар ота фарзандини, асосан ўғлини бирон ножўя иши учун жазоласа, онанинг аралашishi мумкин бўлмаган. Психологларнинг аниқлашларича, бу хатти-ҳаракат педагогик аҳамиятга эга. Чунки, агар ота фарзандини жазолаганда она уни ҳимоя қилса, болада ўз ҳулқ-атвори, хатоларига танқидий қараш шаклланмайди. Ўзини асосиз жазоланган ҳисоблайди ва бора-бора ота-онасини писанд қилмай қўяди.<sup>6</sup>

Оилада отанинг обрўси аввало, уни аёли ва оила аъзолари қанчалик ҳурмат қилишига боғлиқ, чунки эрини ҳурмат қилмаган она болаларини отасига ҳурмат руҳида тарбиялай олмайди.

Ҳозирги пайтда оталарнинг ўрни ва функциялари ҳақидаги тассавурлар қуйидагича:

1. Отасиз оилаларнинг кўпайиши ва оталарнинг уйда бўлишининг камайиб бориши;
2. Оналарга нисбатан оталар ва болалар ўртасидаги алоқанинг камлиги;
3. Оталарнинг педагогик тажрибасизлиги, билимсизлиги.

---

3. Шоумаров Ғ.Б., Шоумаров Ш.Б. Муҳаббат ва оила. Т.: "Ибн Сино" 1994. 67-бет.

4. Оталарнинг тарбиявий функцияларни бажаришга лаёқатсизлиги.

5. Оталарнинг ўз вазифаларини бажаришдан бош тортишлари.

Психологларнинг нуқтаи-назарларига кўра, оилада ота ҳокимиятининг кучсизланиши - бу катта ижтимоий фожедир, чунки оталик билан бирга ҳокимиятнинг барча ички ва ташқи тизими, ўзини идора қила билиш ва мукаммал интизомга бўлган интилиш ҳам йўқолади.

Ота бўлмаган ёки ота ўз вазифасини бажармаётган оилаларда моддий қийинчиликлардан ташқари, оила ичидаги мулоқот доираси ҳам тор бўлади. Эркакларнинг маънавий қўллаб-қувватлашларига муҳтож бўлган аёл - оналар, кўпинча руҳан шикаста бўладилар, бу ҳол эса уларнинг болалар билан бўлган муносабатларида акс этади.

Психологик ва социологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, оилада отанинг йўқлиги болалар психологиясига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳолат айниқса, ўғил болаларда кучли сезилади. Бундай болаларнинг мактабда ўзлаштиришлари ҳам яхши бўлмайди, уларда ўз-ўзини ҳурмат қилиш туйғуси етарли шаклланмайди, ўз тенгқурлари билан эркин муносабатга кириша олмайдилар ва бундай болаларда эркакларга хос ролни ўзлаштириш ҳам қийин кечади.<sup>7</sup> Чунки, она намунаси асосан қиз бола учун, ота намунаси эса ўғил бола учун ўрناق бўлиши исботланган ходиса.

Фарзандларимиз тинч ва файзли умр кечиришлари учун уларга отани ҳурмат қилиш, ота ризолигига эришиш йўлларидан сабоқ берайлик ва ибрат бўлайлик. Ота дуоси ва унинг ишончи инсон кайфиятига кўтаринкилик, руҳиятига тетиклик ҳиссини беради. Зеро ҳаётнинг кўҳна фалсафаси шундан иборат.

## **ОИЛАДА ОНА ВА ФАРЗАНДЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ**

Она ва бола муносабати шахснинг шаклланишида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган шахслараро муносабатлар тизими сирасига киради. Чунки бола дунёга келар экан, у илк бор она ва бола муносабатлари тизимида ижтимоий муносабатларга киришади ва айнан шу муносабатлар замирида инсоний сифатларни, миллий қадриятларни ўзлаштириб боради. Оилавий муносабатларни илғор аёллар ҳам тарғиб қилганлар, улардан бири Охунд Лутфуллоҳ Сулаймон қизи Олимат ул Банотдир. Унинг "Муошарат одоби" рисоласи адоб-ахлоқ, аёлларнинг турмушдаги ўрни ва оилавий вазифалари ҳақидаги китобидир. Унда эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар, оилада бола тарбияси, рўзғор ишларини юритиш, никоҳ ва муҳаббат ҳақида ибратли

---

4. Кон И.С. Ребенок и общество. М., 1988. 239-бет



маслахатлар ёритилган. Маърифатпарвар Олимат ул-Банот аёлларнинг рўзгорни кам-кўстсиз тутишга ўргатиб, шундай ёзади: "Оиланинг бахту саодати ҳам хотунларнинг ақлли-ю илмли бўлмоқларига боғланмишдир. Хотунлар яхши тарбияли болаларни етиштирадilar. Уларнинг тарбиялари орқали дунёда улуғ зотлар етишиб чиқиши муқаррардир. Агар хотун ўқиган бўлса, ўзининг ким эканлигини, вазифаси нимадан иборат эканлигини шакл-шубҳасиз билади. Болаларини эса гўзал тарбия қилади, эри билан яхши муомалада бўлади ва ниҳоят, Аллоҳ Таолонинг амрига мувофиқ ҳаёт кечиради. Ва шу сабабли ўзи ҳам, эри ҳам, болалари ҳам дунё ва охиратда масрур бўлади". Олиманинг мурожаати, асосан хотин-қизларга қаратилган бўлиб, оилада бахтли ҳаёт кечириш учун аёл киши иккита нарсани билиш керак, деб ҳисоблайди: "Биринчи: эрларнинг табиат мижозини ва хулқини яхши билмоқ ва бунинг учун уларни кўп мартабалар синамоқ керакдир, яъни, оилали бўлган киши қандай нарсалардан хурсанд бўлади-ю, қандай ишлардан кўнгли бузилади, иккинчидан, улар эрларига итоатли хотунлар ҳақида бўлган яхши хабарларни ҳамда итоатсиз хотунлар ҳақида бўлган ёмон хабарларни ҳам билмоқлари лозим бўлади..." Бу каби маълумотлар орқали аёлларни жамият ва оиладаги тўғри муносабатларини англашлари, оила тинчлиги ва фаровонлигидаги ўрнини тушуниб етишларига ишора қилинган.

Она оиладаги маънавий муҳитни шакллантирувчи, оила аъзоларини саломатлигига, кайфиятларига ва психологик ҳолатларига таъсир этувчи саналади. Она хулқига қараб эса, фарзандлар турмуш ўртоғи билан бахтиёр яшаш учун аёл қандай бўлиши керак, деган саволнинг маъзини чақади. Шунинг учун ҳам қиз бола учун ҳам, ўғил бола учун ҳам оиланинг бутлиги, ота-она муносабатларининг илиқ, самимий, гуманистик бўлиши катта ҳаётий аҳамият касб этади". Демак, боланинг ўзини англаши, қайси бир жинс вакили эканлигини англаши ва ҳаётий тасаввурларининг шаклланишида ота-оналик муносабатларининг яхлит бўлиши катта аҳамиятга эга.

Онанинг ҳар бир ҳаракати, мимикалари, суйишлари, боланинг тепасида туриб, унга қиладиган муомаласи, эркалашлари бора-бора бола ўзлаштирадиган алоҳида иборалар, сўзларда намоён бўлади. Видео тасмаларда шу нарса намоён бўлганки, онанинг қилиқлари тобора боланинг нутқли-нутқсиз, мантиқий-мантиқсиз ҳаракатларига, ишораларига айланиб боради, кейинчалик бола алоҳида сўзларни талаффуз қила бошлаганда ҳам беихтиёр онанинг мимикалари, талаффуз услубларини қайтаради. Шу тариқа онанинг бевосита иштироки ва ёрдамида бола дунёни танийди, ўрганади, ўзи ҳақидаги тасаввурлари кўлами ҳам борган сари ортиб боради.

Оналар ва ўғил фарзандлар муносабатида ўсмирлик ёшига келиб ўзига хос чегара шаклланганлигини кузатиш мумкин. Бу даврда оналар ўғил

болаларга яқин маслаҳатчи, рағбат, иштиёқ бериб турувчи, ҳар бир фаолиятида ишончни намоён қилувчи руҳий далдалари билан мулоқотга киришишлари лозим бўлади. Атрофдагилар билан самимий мулоқот қилиш, уларни тинглаш, хурмат қилиш, одамларда ўзига нисбатан ижобий тасаввур ҳосил қилиш борасида, эртанги келажагида режалаштираётган мақсадлари хусусида тез-тез қизиқиб туришлари фарзандларни она билан мулоқотида руҳий қувватланиш имконини таъминлайди. Ўсмирлик даврига келиб фарзандлар билан катта инсонлар билан муносабатга киришган каби мулоқот қилиш, уларни хатоларини ётиғи билан тушунтириш, шахсиятига тегмаслик, қилган хатоларини тўғрилаш йўлларини кўрсатиш, унга ишонч билдириш, фарзандларини туйғуларини хурмат қилиш энг муҳим саналадиган омиллар ҳисобланади. Ўғил болалар оналар таъсирида маънавий гўзалликни, дид ва фаросатлиликни, маданиятли мулоқот қилишни, ўзини ҳар қандай вазиятларда бошқаришни ўзлаштириб борадилар. Оналар тарбияси таъсирида эстетик дид, маънавий қиёфа ва ижтимоий тажрибалар ўзлаштирилади.

Оналар қизларининг хулқи, ҳатти-ҳаракатларидаги салбий хусусиятлар учун оталар олдида ўзларини айбдор ҳисоблайдилар. Қизлар кўпроқ ўз сирларини оналарига айтишга, уларга тақлид қилишга ва улар сиймосида ўзлигини кўришга интиладилар. Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда, уй-рўзғор сирларини ўргатишда оналарни тажрибаси, билими муҳим саналади.

Қизлар учун ўтиш даври энг мураккаб даврдир. Бу даврда ота-оналардан огоҳлик талаб этилади. Қиз болалар тарбиясида она етакчи тимсол вазифасида туриб, у ўзидаги фазилатларни, ҳатти-ҳаракатларни қизида такрорланаётганлигини кузатиши мумкин. Қиз болалардаги ўсмирлик ёшига хос ўзгаришларни оналар синчковлик билан пайқашлари, бу ҳолатлар бўйича бирламчи маълумотларни тушунтириб боришлари зарур бўлади. Бундан ташқари оналар қиз болалар тарбиясида ҳиссий кечинмаларни бошқариш, иродали, андишали бўлишда эътибор қаратиладиган жиҳатлар хусусида таъсирчан мулоқотда бўлиб туришлари жоиз бўлади. Эхтирос ва ҳиссиётга эрк бериш орқали қиз болалалик шаънини, ор-номусини бой бериш мумкинлиги хусусида ҳаётий мисоллар билан тушунтириб боришлари, қиз болаларни ўз-ўзини тарбиялаш учун замин бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари бошқа жинс вакиллари билан мулоқотда қатъий меъёрларни сақлаши, ўзини бошқариши, ҳиссиётларига эрк бермаслиги лозимлиги уқтириб борилиши лозим. Қиз болаларни ички дунёсини бой ва гўзал бўлишида, жисмоний соғлом ва келишган бўлишида бадий гимнастика, сузиш, рақс мактаблари каби қатор машғулотларга жалб қилиниши фойдали ҳисобланади. Хонадаон шароитида табиий гулларни парваришлаш, уйда табиий гўзаллик, иқлим яратишга ўргатиш, турли декоратив буюмлар, рўзғор анжомларини ясаш, пазандачилик

ва тикувчилик сир-асрорларидан воқиф қилиш, тиббий саводхонликга эга бўлишида оналарни тажрибаси, қизиқишлари, ундашлари муҳим аҳамият касб этади. Оналар қизларни ботиний дунёсидаги гўзалликниуйғота олиш кучига эга бўлишлари лозим бўлади. Бунинг учун онанинг ўзи руҳий тетик, оптимист, фарзандларида ютуқларни олдиндан кўриб, ҳис эта олиш кучига эга бўлишлари талаб этилади.

Ҳаётдан қониқиш ҳисси билан яшаётган аёлгина фарзандига, ёнидагиларга безътибор бўлмайди. Онаниэртанги кун учун ёниб яшай оладиган фарзандлар тарбиялаши учун ўзи ҳам оптимист кайфиятда бўлиши, фарзандлари фаолиятини натижаларини кўра олиши, ютуқларини олдиндан ҳис қила олиши лозим бўлади. Қиз болалар тарбиясида уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, шахсини ҳурмат қилиниши, самимий муомалада бўлиш келажакда ҳаётий тўсиқларни енга олишга куч топа олишида, ўзига бўлган ишонч ва кучни йўқотмаслигида асос бўлиб хизмат қилади. Қиз болалар қанчалик тиғиз ва муаммоли муҳитдаги оила таъсирида тарбия топса унда жиззакилик, кечира олмаслик, ҳаётдан қониққанлик ҳиссини таъминланмаслиги, ўзига бўлган ишонч ҳиссини заифлиги, ҳаётий муаммоларни ҳал этишдаги ожизлик каби қатор муаммолар гирдобида қолиши аниқланган.

Болага оилада ота–она шахсий ўрнатилган кўрсатиш орқали тарбиявий жараённи ташкил этса, иккинчидан унга юксак бадиий савияли асарлар хусусида сўзлаб, қизиқарли ҳикоялар айтиб бориши зарур. Шунингдек, радио ва телевидение орқали мусиқа тинглаш, болаларбоп кўрсатувлар, мультфильм, концертларни тамоша қилиш, музей, театрда бориш, архитектура ёдгорликлари ҳамда ҳайкалларни бола эстетик онгининг шаклланиши учун замин яратади.

Оилавий бахт, ишонч, самимий дилга яқин муносабатлар заминида инсон саломатлигини, руҳий тетиклигини, ҳаётий фаоллигини таъминлашга қодир қувват заҳираси мужассамлашган бўлади. Ана шундай меҳрли муносабатлардан оиладаги барча инсонларни баҳраманд этилиши бугунги ахборот хуружлари таъсирида маънавий тобеликдан, фикрий қарамликдан, руҳий таназзулдан ҳимоя қилувчи улкан кўрғон, ижтимоий ҳимоя вазифасини ўтайди.

## **ОИЛАДА ТАРБИЯСИ ҚИЙИН БОЛАЛАР КЕЛИБ ЧИҚИШИНING САБАБЛАРИ**

Мактабларда болаларга нисбатан баъзан “Тарбияси қийин бола” жумласи ишлатилади. Асосан, тарбияси қийин болалар деганда - кўп ҳолатларда вояга етмаганлар билан ишлаш назоратчилари рўйхатида ҳисобга олинган ёки олинмаган, гиёҳвандлик ва спиртли ичимлик ичишга қизиқиши юқори, ўғрилиқ ва безориликка мойил ўқувчилар назарда тутилади.

Инсон ижтимоий муносабатлар куршовида яшайди. Ижтимоий муносабатлар ва жараёнларнинг шахсга таъсири масаласи ижобий ёки салбий кўринишда бўлиши мумкин. Индивидга ижтимоий жараёнларнинг ижобий ёки салбий таъсир этиши биринчидан, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ бўлса, иккинчидан, ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисаларининг хусусиятлари ва шарт-шароитлари мазмунига кўра намоён бўлади. Яъни, ижтимоий муҳит соғлом ёки носоғломлиги ва унинг таъсирчанлик даражасига кўра, шахсга у ёки бу кўринишда таъсир этади ва хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг келиб чиқиши учун қандайдир маънода имконият яратади.

Шахс тарбиясидаги бузилиш ижтимоий муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари, яъни соғлом ва носоғломлигига, индивиднинг феъл-атвори, характер хусусиятлари, ижтимоий меъёрлар ва шахс ўртасидаги зиддият-лар ҳамда уларнинг зўрайиб бориши кабиларга боғлиқ бўлади. Шахснинг дунёкараши, яъни қадриятлар ориентацияси, ижтимоийлашуви ва индивидуал ҳиссиётларининг ижобий тарзда шаклланиши ва намоён бўлиши кишини жамият ва инсоният учун фойдали бўлган хатти-ҳаракат-ларга ундайди.

Шуни унутмаслик керакки, ташқи муҳит ёки ижтимоий воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам хулқ оғиши ёки тарбия бузилишининг келиб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Қачонки, ижтимоий воқеа-ҳодисалар ва индивид ўртасида қарама-қаршилик юзага келса, жамиятда ҳукм сураётган ижтимоий меъёрлар индивид томонидан қабул қилинмаса ҳамда ижтимоий муҳитда хулқ оғишининг келиб чиқиши учун етарли шарт-шароит мавжуд бўлса, тарбия бузилиши ва хулқ оғиши келиб чиқиши мумкин. Бошқача айтганда, шахснинг ижтимоий воқеликдаги турмуш тарзи, ҳаёт шароити, тарбияланганлик ва муайян вазиятлар тақозаси хулқ оғишининг келиб чиқиши учун зарурий шарт-шароит яратади. Муайян турмуш тарзи ва ўзига хос тарбия муҳитида камол топган шахс турли ҳаётий вазиятларда ижтимоий муҳит шарт-шароитларига кўра маълум муаммоларга дуч келади ва уни енгиб ўтишга ҳаракат қилади. Бунда бола ёки ўсмирнинг дунёкараши, қадриятлар ориентацияси ва онглилик даражаси жинсий хатти-ҳаракатларга етакловчи ёки муайян ҳаётий вазиятларни

юмшатишга қаратилган тўғри ёки ижобий қарор қабул қилинишини белгилайди. Шундай қилиб, бундан шу нарса кўринадики, инсон ижтимоий ҳаётда турли вазиятларга дуч келади аммо, ундан оқилона йўл билан чиқиб кетиш, унинг ақлий салоҳиятига, маънавий оламига, тарбияланганлик даражасига ва бир қатор ижобий шахсий фазилатларига боғлиқ бўлади.

Оиладаги низолар болалар ва ўсмирларни оиладан бездиради. Ота-онага ва оиланинг бошқа азоларига нисбатан ишонч ҳиссининг йўқолишига олиб келади. Ўзаро ишончнинг йўқолиши эса ота-онанинг тарбиявий таъсирчанлик даражасини тушириб юборади. Ота-онанинг тарбиявий таъсир даражаси пасайиши ўз навбатида ўсмирда ўзи хоҳлаган хатти-ҳаракатларни амалга оширишга йўл очиб беради. Натижада тарбиявий таъсирсиз ва назоратсиз қолган ўсмирда аста-секинлик билан хулқ-атвор ўзгариши келиб чиқади.

Сир эмаски, оилада тез-тез бўлиб турадиган жанжаллар, ота-оналарнинг келишмовчиликлари, ўсмирларнинг жисмоний жазоланиши табиий равишда улар хулқида ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бундай муҳитда тарбияланган болалар ва ўсмирлар хулқида кўзгалувчанлик, асабийлик, ўзини тута олмаслик, баджаҳллик, боридан қаноатланмаслик, душманлик, кўрқув, ишончнинг йўқолиши, ёлғизликни хуш кўриш, беғамлик каби хусусиятлар кўзга ташланади. Бу сифатларнинг ҳар бири бола психик ва шахс хусусиятларининг ҳамда иродавий сифатларининг шаклланишига ва ақлий тараққиётига салбий таъсир кўрсатади.

Тарбияси қийин болаларнинг келиб чиқишининг асосий сабабларидан яна бири уларда ўқишга нисбатан салбий муносабатнинг пайдо бўлишидир. Одатда бундай муносабатнинг пайдо бўлишига бошқа сабаблар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, ўқув фаолияти усули, малакалари тўла таркиб топмаганлиги сабали нисбий билим олиш билан қаноат ҳосил қилиш, ўзлаштириш қобилиятининг суст ривожланганлиги, муайян вазиятларда ҳукм ва хулоса чиқаришда қийинчиликка дуч келиш, ўқитувчилар томонидан ўқувчига объектив баҳо бермаслик, ўқитувчининг боладаги индивидуал-психологик ва интеллектуал имкониятига етарлича эътибор бермаслик, ўқитиш савиясининг пастлиги, дарсларни қизиқарсиз ўтилиши ва бошқалардир.

Тарбияси қийин болаларнинг келиб чиқишининг яна бир сабаби – уларнинг синф жамоаси ва турли хил жамоатчилик ташкилотлари билан яхши алоқада бўлмаслигига боғлиқдир.

Ўқувчи билан жамоа фикрининг мос келмаслиги унинг жамоа ичида ўз ўрнини борган сари йўқотиб боришига сабаб бўлади. Унутмаслик керакки, ўсмирнинг ҳар бир хатти-ҳаракати у билан ҳисоблашиш кераклигидан бошқа нарса эмас. Шунинг учун жамоа азолари бундай ўсмирнинг қарашларини вақти-вақти билана ҳисобга олишлари яхши натижа беради. Ўсмирнинг фикр ва

қизиқишларини жамоанинг қўллаб-қувватламаслиги ёки бепарволиги уни қонунбузарликка ундайди ва хулқ оғишининг келиб чиқиши учун имконият яратади. Натижада ўсмир учун келажак режаларининг поймол бўлиш хавфи туғилади. Ўқишдан, жамоадан юз ўгирган ўсмир ўз келажagini, орзў-умидларини мактаб ва жамоа фаолиятига боғлашдан кўра, янги улфатлари билан алоқа қилишни афзал кўради ва бошқа кишилардан нажот излайди. Натижада ўсмир носоғлом хулқли болалар тўдасига тушиб қолади ва уларнинг хулқ-атвориغا хос бўлган салбий характер хусусиятларини намоён қила бошлайди.

Айрим оилаларда болалар ва ўсмирларга етарлича шарт-шароит яратиб берилмаслиги ҳамда улар фаолиятини чеклаш, уларда инфантиллик, муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш қобилиятининг сусайиши кабиларни келтириб чиқаради.

Сир эмаски, бугунги ўсмирларнинг истак-эҳтиёжлари олдинги ўсмирларга қараганда анча ўсган. Улар яхши кийинишини, дам олишни, турли жойларни кўришни, магнитоло ёки видеотехникаларга, уяли телефонга эга бўлишни хоҳлайдилар. Оилада эса буларга имконият мавжуд эмас. Натижада ушбу эҳтиёжларни қондириш йўлида болада ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни бажариш истаги пайдо бўлади. Бора-бора бундай истаклар болани ўз-ўзидан ғайриқонуний ҳаракатларни бажаришига ундайди.

Бундан ташқари баъзи ота-оналарнинг спиртли ичимликларга рўжу қўйишлари ҳам ўсмирнинг руҳий дунёсига салбий таъсир кўрсатади.

Ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларда ростгўйлик, адолатлилик бўлмаса оила тарбияси таъсирчан ва мақсадга мувофиқ тарзда кечмайди. Шунинг учун ҳам ота-она ва болалар ўртасидаги муносабат ҳар доим ота-оналик муҳаббати ва ижтимоий бурч нуқтаи назари асосида амалга оширилса, ота-оналик муҳаббати кучайиб, болаларни юксак ахлоқ, ижтимоий бурч руҳида тарбиялаш имкониятини кенгайтиради.

Оилада ўсмир ва ўспиринлик ёши даврида улар билан тўғри ва адолатли муносабатда бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун бола улғайган сари катталар буйруғини ёқтирмайдиган бўлиб боради. Натижада болада буйруққа кўпинча қаршилик кўрсатиш, ҳатто оқилона талабларни бажаришдан бош тортиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Бундай пайтда ота-оналарнинг болага муомала тарзини ўзгартиришлари мақсадга мувофиқдир.

Оилада болаларга тарбиявий таъсир этиш сифатини ошириш учун ота-она ва оиланинг катта аъзолари томонидан болага қўйиладиган талаблар ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишда сўз билан иш бирлиги бўлиши яхши натижа беради. Оилада бундай бирликнинг бўлмаслиги, бола хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, болалар ва ўсмирлар билан муносабатда

бўлишда уларнинг кўнглигига, ёш хусусиятларига, психологиясига эътибор бермаслик, оилаларда бир-бирини ҳақоратлаш, дўқ-пўписа ва зулм ўтказиш асосида қилинадиган муносабат болаларда кўрқоқлик асабийлик, ёлғончилик, шафқатсизлик, кўполлик, андишасизлик каби сифатларнинг шаклланишига олиб келади. Бундай сифатлар болалар ва ўсмирларда тарбия бузилиши ва хулқ оғишининг келиб чиқишига имконият яратади.

## **ОИЛАДА ТАРБИЯСИ ҚИЙИН БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАДБИРЛАРИ**

Ҳозирги кунда психологияда инсон хулқ-атворидаги ўзгаришлар ва ахлоқ меъёрларидан четга чиқиш ҳодисаси ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ экани ва уларни соғломлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги таълимот илмий жиҳатдан асосланган. Шунга кўра, тарбияси қийин болалар хулқ-атворини соғломлаштириш мумкин деган хулоса келиб чиқади.

Ижтимоий психологияда тарбияси қийин болалар жиноий (хуқуқий) ва оддий (ахлоқий) қонунбузарлар гуруҳига бўлиб ўрганилади. Тадқиқотчилар қонунбузар боллар ва ўсмирлардаги салбий хатти-ҳаракатларнинг вужудга келиш сабабларига қараб, тарбияси қийин болаларнинг тахминий типологиясини тузишга ҳаракат қиладилар.

Бунга кўра, *биринчи гуруҳга* балоғатга етмаган, андишасиз, қайсар ўсмирлар киритилади. Бундай ўсмирлар шахсий қараши, ўзгаларга баҳо бериши ахлоқ меъёрига зид бўлгани сабабли қонун бузадилар, ўз қарашларини мактаб, оила ва жамоатчилик фикрига қарши қўйишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, бундайлар кўпинча ўз қилмишларини яхши англаган ҳолда иш тутадилар. Улар катталарнинг иззат-нафсига тегиш орқали роҳатланадилар. Ўртоқларини кўрқитиш, руҳан азоблаш, ваъдалар бериш билан ўзига оғдиришга интиладилар. Уларда "ўзини кўрсатиш" иштиёқи кучли бўлади. Бундай болалар ва ўсмирлардаги "ўзини кўрсатиш" иштиёқидан унумли фойдаланиш мумкин. Масалан, уларни спорт тугаракларига жалб қилиш, тадбирларда тартибни назорат қилиш вазифасини юклаш, ижтимоий меҳнат фаолиятларида масъулиятли участкаларни топшириш, улар йўл қўйган камчиликларини таъна қилмаслик, камчиликларини бировлар олдида айтмаслик, дарсдан ташқари ишларда раҳбарлик вазифасини бериш улар хулқ-атворидаги ўзгаришларни соғломлаштиришга хизмат қилиши мумкин. Қолаверса, улар эришган айрим муваффақиятларини жамоа олдида рағбатлантириш, фанларни ўзлаштиришларини қўллаб-қувватлаш, улар дуч келган қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам бериш, шахслараро муносабатларда психологик хусусиятларини ҳисобга олиш яхши натижа беришини унутмаслик лозим.

*Иккинчи гуруҳга* беқарор ёки субутсиз яъни, ўз мустақил фикрига эга бўлмаган болалар ва ўсмирлар киритилади. Бундай болалар ва ўсмирлар барқарор ахлоқий эътиқод, маънавий ҳис ва шахсий қарашлари шаклланиб улгурмаганлиги туфайли иккиланиб турадилар. Уларнинг кишиларни баҳолаш фаолияти фавқулотда вазиятларга боғлиқ бўлади. Уларда ирода кучининг заифлиги, маънавий дунёсидаги беқарорлик, воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқлик ва ташқи таъсирларга тез берилишлари туфайли хулқ-атворида ўзгаришлар келиб чиқади. Уларнинг кўнгли бўшлиги, характер ўзгарувчанлиги натижасида баъзан қонунбузарлик ҳодисалари ҳам содир этилиши мумкин. Бундайлар кўпинча бировга берган ваъдасининг устидан чиқмайдилар ва улар ўз қилмишларидан пушаймонликни ҳис қиладилар.

Бундайлар билан ишлашда уларни мустақил фикр юритишга ўргатиш, танқид ва ўз-ўзини танқидга одатлантириш, ирода кучини ўстириш учун махсус машғулотлар ўтказиш, фавқулотда вазиятларга бефарқлик хусусиятини қайта тарбиялаш ва уларга йўл-йўриқ кўрсатиш лозим бўлади.

*Учинчи гуруҳга* бошқа гуруҳларда учрамайдиган психик хусусиятлар, кечинмаларга бой болалар ва ўсмирлар киритилади. Бундайларда худбинлик, шахсий эҳтиж ва истакнинг кучлилиги ёрқин намоён бўлади. Шунинг учун улар ўз хоҳиш-истаги йўлида ҳар қандай ҳатто, баъзан ман қилинган йўллардан ҳам тоймайдилар. Улар маънавий қашшоқлигини ҳис қиладилар ва бундан изтироб чекадилар. Бировларга яхшилик қилишни хоҳлайдилар аммо, худбинлиги туфайли яхшилик қилаолмайдилар.

Бундайлар билан ишлашда уларнинг худбинлигини йўқотиш учун махсус машғулотлар уюштириш яхши натижа беради. Шунингдек, уларда дўстлик, ҳамкорлик, инсонпарварлик хислатларини таркиб топтиришга ҳаракат қилиш лозим. Бундайларни раҳбарлик ишларига жалб қилиш уларда масъулият ҳиссини вужудга келтиради. Мустақиллик, ижодий фикр юритиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини танқид сингари шахс сифатларини шакллантиришга эътибор бериш зарур.

Аффеktiv кечинмали, эҳтиросларга бой, қўғалувчан, руҳий беқарор болалар ва ўсмирлар *тўртинчи гуруҳни* ташкил қилади. Бундайлар жамоада, оилада ва ўртоқлари даврасида ўз ўрнини топа олмайдиган, ўзини кўрсатиш қобилиятига эга бўлмаган, доимий равишда руҳий изтиробга тушувчи, ҳаракатлари суст, кўпчиликнинг назарида бўлишни ёқтирмайдиган, ноаниқ сабабларга кўра азобланувчи бўладилар.

Бундайлар билан ишлашда улардаги импульсивлик, аффеktivга мойиллик хусусиятларининг олдини олишга ва бундай вазиятларга тушган пайтларда оқилона маслаҳат бериш, ирода сифатларини шакллантиришга доир тадбирларни кўпроқ олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Уларда



қийинчиликларни енгишга нисбатан бўлган интилишни вужудга келтириш, ўз-ўзига ва ўз кучига ишонч ҳиссини тарбиялаш, дадилликни вужудга келтириш, шахсий фаолиятларини шакллантириш ва уюштиришга ёрдам бериш ишларини олиб бориш яхши натижа беради.

Тарбияси оғир болалар ва ўсмирларни тарбиялашда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Энг аввало болаларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, уларни “кўнгил очар” ўйинларда иштирок этишларига, беъмани “ҳордик чиқариш” ва кўча-қуйда мақсадсиз юришларига йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун мактаб, маҳалла, жамоатчилик ва оила ҳамкорлигини йўлга қўйиш, болаларни иложи бориша, мактабдан ташқари муассасаларга жал этиш чора-тадбирларини қўллаш лозим.

Шунингдек, уларнинг хулқи ва фанларни ўзлаштиришларини объектив баҳолаш, шахслараро муносабатларда ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, дарсларни юқори савияда ва қизиқарли олиб бориш, оилада ва синф жамоасида қулай шарт-шароит яратиш яхши натижа беради.

## **ОИЛАВИЙ ТАРБИЯДАГИ ХАТОЛИКЛАР**

Маълумки, ўзбек халқи бой маънавий, маданий қадриятларга эга. Ана шу қадриятлар, урф-одатлар, расм-русумлар ва тарбия усуллари орқали боболаримиз, момоларимиз фарзандларини тарбиялаб вояга етказишган. Миллий қадриятлар руҳида тарбияланган фарзандлар одоб-ахлоқда, ақл-заковатда, меҳр-оқибат ва халқпарварликда, жасурлик ва мардликда ном қозонган.

Хабарингиз бор халқимиз узоқ йиллар мобайнида европача турмуш тарзини бошидан кечирди. Бир неча минг йиллик урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар ва миллий тарбия усуллари ўрнига европача тарбия маданияти кириб келди. Улар баъзан тазйиқ орқали ҳам сингдирилди. Натижада халқимиз тарихан шаклланган бой маданий ва маънавий меросидан, оилавий тарбия усулларида айрилди.

Назаримизда бундай ҳолат бугунги кунда ўзбек оилаларидаги тарбия самарасига қайсидир маънода салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади. Оқибатда оилавий тарбиянинг таъсирчанлик роли пасайди. Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. Оилаларда меҳр-оқибат, кичикларга иззат, катталарга ҳурмат йўқолиб, охир оқибат атрофга, жамиятга ҳам таъсир кўрсата бошлади. Шу боисдан бўлса керак, бугун кўча-қуйда ёшларнинг ўзини

тутишлари, муомала муносабатларида баъзан кишининг ғашини келтирадиган ҳолатлар учрамоқда.

Шунингдек, ёшларимизда ўзбек халқига хос бўлган меҳр-шафқатлилик, бағрикенглик (толерантлик), ночорлар, дардманлар ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам бериш хислатлари негадир бугунги кунда кўринмай бораяпти. Улар ўртасида хасислик, боқибеғамлик, лоқайдлик, бетга чопарлик, манфаатпарастлик, тамагирлик, кўзбуямачилик каби иллатлар ҳам кўзга ташланмоқда.

Кузатишларимизга қараганда, оилаларда ота-она ҳамда фарзанд ўртасидаги муносабатларда ҳам ўзига хос самарасиз усуллардан фойдаланилаётганга ўхшайди. Масалан, ота-оналар баъзан фарзандларига ўта даражада меҳр қўядилар. Уларни асраб авайлайдилар, эъозлайдилар. Уларга гард юқтирмасликка ҳаракат қиладилар. Айтган ёки истаган нарсаларни муҳайё қилишга интиладилар. Бир қарашда ота-онада шундай қилса нима қилибди дейсиз. Аммо ота-оналарнинг болаларга бундай муносабатлари болаларда салбий хислатларнинг шаклланишига олиб келмоқда. Ота-онаси томонидан кўрсатилаётган бундай муносабат натижасида болада манманлик, бировларни менсимаслик, тайёрга-айёрлик, меҳнатнинг қадрига етмаслик, сабр-тоқатсизлик каби салбий хислатлар пайдо бўлмоқда. Бундай хислатларга эга бўлган болаларда ўзбек халқига хос бўлган меҳнатсеварлик, олижаноблик, ўзгаларни ҳурмат ва эъозлаш, меҳнатнинг қадрига етиш хислатлари шаклланмайди. Шунингдек, уларда мақтанчоқлик, бировларнинг устидан кулиш, ночорлигини юзига солиш одатлари ҳам кузатилади. Бундай руҳда тарбияланган болалар муаммоли вазиятларда мустақил фикр юритиш, муайян қарорларга келиш борасида ҳам қийинчиликларга учрайдилар. Бундайлар ўз тенқурлари билан келиша олмасликлари, дўстлари доирасининг торлиги туфайли кўпинча тенгдошларидан яққаланиб қолишликлари билан ажралиб турадилар.

Бугунги кунда ўзбек оиласида мавжуд бўлган тарбиядаги хатоликлардан бири назаримизда ота-оналарнинг рад этиш, тақиқлаш, руҳсат этмаслик асосидаги тарбиялаш усулидир. Табиийки, бу хилдаги тарбия усулида болаларнинг хоҳиш-истаги, ўй-хаёллари, орзу ва интилишлари, фикр ва мулоҳазалари инobatга олинмайди. Бундан ташқари бундай тарбия усулида болаларга ўз фикр мулоҳазаларини очиқ-ойдик баён этиш, мустақил қарорларга келиш ва муайян вазиятларга ўз нуктаи назарини билдириш имконияти чекланади. Бундай тарбия усулида баъзан болаларнинг хатти-ҳаракатларини мажбурий тарзда тақиқлаш усуллари билан ҳам бошқариб борилади. Масалан, уйда бу нарсага тегиш мумкин, бу нарсага тегиш мумкин эмас, бу нарсани ейсан, бунисини емайсан, бу кийимни киясан, бунисини киймайсан қабилидаги муносабатлар ҳам кузатилади. Бу ҳам етмаганидек, боланинг қизиқиши,

эркинлиги, ўзига ёққан кийимни кийиши, кўнгли истаган иш билан машғул бўлиши, қизиққан китобини ўқиши ва хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиши ота-она ихтиёри билан амалга оширилади. Хуллас, оилада ота ёки онанинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлади. Бундай усулда тарбияланган болаларда мустақил фикр юритиш қобилиятининг суст ривожланиши, тортинчоқлик, ўз фикр-мулоҳазаларини баён эта олмаслик, тобелик, қўрқоқлик ва журъатсизлик каби салбий хислатлар ёрқин намоён бўлади. Журъатсиз, тобе, тортинчоқ болада фаоллик ва ўз-ўзига ишонч ҳисси етишмайди. Шунингдек, уларда нутқнинг суст ривожланиши ҳолати ҳам кузатилади. Бундай болалар бутун умр давомида бировларга тобе бўлиб яшайдилар. Уларда раҳбарлик, бошқарувчанлик қобилиятлари суст ривожланган бўлади. Улар бировларнинг гап-сўзларига тез учадилар. Шунинг учун улар алдовлар, кўзбуямачиликлар, таъмагирликлар қўрбонига айланадилар. Улардаги фикрлаш қобилиятининг суст ривожланганлиги низоли вазиятларга тез-тез тушиб қолишликка сабаб бўлади. Бундайлар низоли вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилишга қийналадилар. Улар бировларнинг таъсири, қистови ёки мажбурлаши натижасида турли хил қонунбузарликларни амалга оширишлари мумкин.

Ўзбек оилаларида берилётган тарбия нуқсонларидан яна бири оилавий тарбияда миллий қадриятларимиздан, яъни эртақ, мақол, ривоят ва ҳадис илмидан етарлича фойдаланилмаётганлигидир.

Оилавий тарбияда йўл қўяётган камчиликларидан бошқа бири ота-оналарнинг тарбияда болаларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олмасликларидир.

Кўпчилигимиз оиладаги барча фарзандларга бир хил тарбия беришга ўрганиб қолганмиз. Биламизки, болалар табиатан ҳар хил кўринишли, турли хил характерли, қобилиятли ёки қобилиятсиз, оғир, вазмин ёки ҳаракатчан бўлишадилар. Айнан ушбу жиҳатларга кўра болаларга ёндашиш, улар билан муносабатда бўлиш ва тарбия бериш усулини танлаш мақсадга мувофиқлигини унутмаслигимиз керак.

Оилада ота-оналар кўпинча фарзандлари бирон бир ёмон иш қилиб қўйса, уни қаттиқ жазолаш, тақиқлаш ва уларни уйдан чиқармай қўйиш усуллари орқали тарбияламоқчи бўладилар. Фарзанди ўзларига ёқадиган ишга қўл ўрса уни ҳаддан ортиқ мақтайдилар ва муқофотлайдилар. Ўзлари қўллаётган усулларни қай бири тўғри, қай бири нотўғри эканлигини англаб етмайдилар. Ўзларича тарбия шундай берилади деб ўйлайдилар. Натижада ўзлари билмаган ҳолда болаларининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатадилар. Шунинг учун ота-она энг аввало оилада болаларни тарбиялаш тўғрисидаги назарий ва амалий билимларга эга бўлиши лозим бўлади. Бунинг учун эса улар тарбия

тўғрисидаги педагогик ва психологик манбаларни, газета ва ойнамаларни кўпроқ ўқишлари зарур бўлади.

Ушбулардан кўринадики, ота-оналарда тарбия борасидаги билимларнинг етишмаслиги, тарбия жараёнида миллий қадриятлар, урф-одатлар ва расм-русумларимиздан фойдаланмаслик болалар тарбиясининг бузилишига, уларда турли хил хулқ оғишларининг келиб чиқишига олиб келади.

Болалар ва ўсмирларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг келиб чиқишига таъсир этувчи оилавий тарбияга боғлиқ бўлган омиллар орасида “ота-оналарда фарзандлар тарбиясига доир билимларнинг етарли эмаслиги” ҳолати ҳам яққол кўзга ташланади.

Шунингдек, оилада “болалар тарбиясида қарияларнинг иштирок этмаслиги” ҳолати ҳам болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Шунинг учун ҳам халқимизда “қариси бор уйнинг – париси бор” деб бежиз айтилмаган бўлса керак.

Қарияларнинг оилада болалар тарбиясига жалб қилинишининг фойдали томони шундаки, биринчидан, уларнинг деярли уйда бўлишлари болалар билан доимо мулоқотда бўлишга, улар фаолиятини доимо назорат қилиб туришга олиб келса иккинчидан, улардаги ҳаётий тажрибанинг кўплиги болалар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

## **БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА ТАРБИЯ БУЗИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАВСИЯЛАР**

Болалар ва ўсмирлар ўртасида хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг олдини олишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- Вояга етмаганлар ўртасидаги хулқ оғишининг келиб чиқиши асосий сабаблари сифатида “болалар ва ўсмирлар фаолиятини назорат қилмаслик”, “оилада бола тарбиясига эътиборнинг сусайиши” кабилар намоён бўлганлигидан келиб чиқиб, оилада ва оиладан ташқарида болалар ва ўсмирлар фаолиятини, бўш вақтларида нима билан шуғулланаётганлигини назорат қилиш ва оилада болалар тарбиясига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

- Моддий-маъиший шароитнинг етарли эмаслиги вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир этишини ҳисобга олиб, бундай оилаларга маҳаллий ҳокимият, ижтимоий таъминот ва хайрия жамғармалари томонидан моддий ёрдамлар бериб туришни ташкил этиш.

- Болалар ва ўсмирларнинг мактабдан кейинги бўш вақтларини назорат қилиш ва улардан унумли фойдаланишни ташкил этиш;

- Ота-оналар, катта ёшдаги кишилар ва ўқитувчилар томонидан болалар ва ўсмирларга нисбатан қўлланилаётган қаттиқул, қўпол ва адалатсиз муносабатларга барҳам бериш.

- Вояга етмаганларда хулқ оғиши кўпинча ота-оналар, ўқитувчиларнинг болалар ва ўсмирлар психологиясини билмасдан туриб муносабатда бўлишлари натижасида келиб чиқаётганлиги ота-оналарни психологик-педагогик билимлар билан қуроллантириш зарурлигини кўрсатади.

- Вояга етмаганлар ўртасидаги тарбия бузилишининг олдини олиш ишларига қарияларни жалб этиш яхши натижа беради.

- Вояга етмаганлар ўртасидаги хулқ оғиши ва қонунбузарликларнинг олдини олиш тадбирларининг психологик-педагогик жиҳатдан илмий асосланган бўлишини таъминлаш.

- Вояга етмаганларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг олдини олишда болалар ва ўсмирларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш.

- Фарзандингизни бошқа болалар билан дўстлашишга ўргатинг. Уни ёлғиз қолишга йўл қўйманг, ёлғизлик ўсмирни оқибатини англаб етмаган ҳолда турли хил ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга ундаши мумкин.

- Фарзандингизнинг ҳар бир салбий хатти-ҳаракатини эътиборсиз қодирманг? Унутмангки, салбий хислатлар майда-майда кўринган камчиликлар оқибатида келиб чиқади.

- Ёшликдаги дўстлик фарзандингизнинг келгуси ҳаётида пойдевор бўлиши мумкинлигини унутманг.

- Болани ортиқча талтайтириб эркалаш уни ҳар жиҳатдан сушлаштириб қўяди, севги ва меҳр кўрсатиш эса уни янада фаол бўлишга, ижобий хислатларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Эрка ўсган бола фақатгина шахсий манфаатларини кўзлайдиган, масъулиятсиз бўлиб вояга етади.

- Фарзандингизни ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланишга йўналтиринг. Ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланиш уни турли хил салбий ҳисслардан, ўй-хаёллардан, ғайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилади.

- Фарзандингизнинг кимлар билан дўстлашгани билан қизиқинг? Зеро, дўстлар давраси фарзандингизда ижобий ёки салбий хулқ-атворнинг шаклланишида асосий омиллардан бири ҳисобланади.

- Фарзандингизни кўпроқ китоб ўқишга йўналтиришга ҳаракат қилинг. Китобхонлик боланинг дунёқарашини ўстиради, салбий ҳаракатлардан ҳимоя қилади.

## Хотима

Ўзбек оилаларида фарзандларни тарбиялашда меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор берилиб, уларнинг меҳнатга тайёргарлиги салоҳияти ҳамда қилган меҳнатининг натижаларини кўпчилик - катталар, яқин қариндошлар кўригидан ўтказиш кенг тарқалган анъанавий усулларида ҳисобланади. Қадимдан қизлар ёшлигиданоқ саранжом-саришталикка, меҳнатни севишга мойиллик руҳида тарбияланган. Қизларнинг оналари ва бувилари уларга бош-қош, сирдош бўлиб, турмуш юритиш синоатларини ўргатиб, ўғил болаларга оталар, катта акалар ва устозлари ётоғини, ўз ўрнини йиғиштириш, бажарган иш жойини тоза озода сақлаш, иш якунида иш жойини ораста ҳолга келтириш каби маданиятни шаклланишига ёрдам бериб, уларни оилавий ҳаётга ўргатиб келганлар. Келажакда йигитлар рўзғорда ҳеч нарсага муҳтож бўлиб қолмаслиги учун: “Бир йигитга қирқ хунар оз” мақолига амал қилиши зарур. Қанчалик кўп хунар ўрганса, у шунча моддий ва маънавий томондан ўзини-ўзи таъминлаши мумкин. Аксинча бўлса, ҳаётда қоқилади, хор-зор бўлади. Бунинг учун оталар ўз хунарини фарзандига ўргатиш билан бирга, асрлар давомида сақланиб келадиган касб-кори, хунарининг йўқолмаслигини, уни ўрганиш, ривожлантириш бурчи эканлигини онгли сингдириши зарур. Баъзи хонадонларда дераза ойнаси тушган, эшигининг ғичирлаб ёпилиши ёки девор сувоқларининг тушганлигининг гувоҳи бўламиз, айниқса, эркаги эпсиз оилаларда бу яққол кўзга ташланади. Бу оилада эркак киши борлигига баъзан шубҳаланасан ҳам. Эркаги эпли оилаларда саранжом-саришталикни, ҳаммасини ўзи ортирган хунари орқасидан бажарганлигини кўрамыз.

Қиз болани бахт йўлига аввало она етаклайди, уни ўз кетидан эргаштириб, ҳаёт сўқмоқларидан чиниқтириб, авайлаб-асраб ёруғ йўлга олиб чиқади, унинг бахтли бўлиши кўп жиҳатдан онага боғлиқ. “Онасини кўриб қизини ол” деган оддий сўзлар замирида ҳикмат бор. Шундай экан, она қизини бахтли бўлиши учун барча чора-тадбирларни кўриши ҳам фарз, ҳам қарз. Ота-боболаримиздан халқимизга мерос бўлиб қолган дўстлик, саҳийлик, ростгўйлик, тантилик, садоқатлилиқ, саранжом-саришталик, поклик, одоблилиқ каби фазилатларни боланинг онги ва қалбига сингдириш лозим. Бу мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир оиланинг ички муҳити, шарт-шароитлари, ўзига хос турмуш тарзи ва бошқа имкониятларидан келиб чиқади.

Ота-она доимо фарзандларига ахлоқ-одобнинг муҳим меъёрлари, юриштириш, сўзлаш, овқатланиш, бошқалар билан муомала қилиш, меҳмон кутиш, тозалик, озодалиқ каби фазилатларни секин-асталик билан ўргатиб боришлари шарт. Албатта ўғил ва қиз болаларни тарбияси ўзига хос бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятга эгаллигини инобатга олиб алоҳида ёндошувлар учун

шароитни яратилиши фарзандларни ўз шахсиятига тўғри йўналганлигини, хурмат билан муносабатни акс этганлигини ифодалайди.

## МУНДАРИЖА

Глоссарий.....	3
Сўз боши.....	5
Оила – тарбия ўчоғи.....	7
Оилада ота мавқеи ва ота билан фарзандлар ўртасидаги муносабат.....	12
Оилада она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат.....	16
Оилада тарбияси қийин болалар келиб чиқишининг сабаблари.....	20
Оилада тарбияси қийин болалар билан ишлаш тадбирлари.....	23
Оилавий тарбиядаги хатоликлар.....	25
Болалар ва ўсмирларда тарбия бузилишининг олдини олишга қаратилган тавсиялар.....	28
Хотима.....	30

**Ф. Акрамова**  
**З. Билолова**

**ОИЛАДАГИ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ: МУАММО ВА  
ЕЧИМЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Босишга 26.12.2016 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Ҳажми 2,0 босма табоқ

Адади 50 нусха.

70-буюртма

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 4- уй.